

# TEMIRYO‘LCHI

O‘ZBEKISTON TEMIRYO‘LCHILARINING GAZETASI

Temir yo‘llar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan

2026-yil • 12-fevral • payshanba • № 6 (6586)

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

**2026 йил 10 февраль куни Тошкент шаҳрида Темир йўл маъмуриятлари кенгаши дирекциясининг ваколатли вакиллари иштирокида 2026-2027 йилларга мўлжалланган халқаро йўловчи поездлари ҳаракати жадвалини келишиш бўйича йиғилиш бошланди.**

## 2026-2027 ЙИЛЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ЖАДВАЛИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА



13 февралга қадар давом этадиган учрашувнинг дастлабки кунида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари – маслаҳатчиси Мансур Раджабов, Темир йўл маъмуриятлари кенгаши дирекцияси раиси ўринбосари Олег Никитин, шунингдек, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикалари темир йўл маъмуриятлари мутахассислари иштирок этди.



Тадбирда М.Раджабов ҳамда О.Никитин сўзга чиқиб, халқаро йўналишларда йўловчи поездларини хавфсиз ва сифатли ҳаракатланишини таъминлашда барча мамлакатлар темир йўл маъмуриятлари вакиллари бирдек масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатиши ҳамда йўловчилар учун янада қулай шароитларни яратиш асосий мақсад эканлигини айтиб ўтишди. 2026-2027 йиллар учун йўловчи поездлари жадвалини тузишда ишончли келишув янада самарали бўлишига умид билдиришди. Шундан сўнг иштирокчилар келгуси даврда халқаро йўловчи ташувларини режалаштириш ва йўловчи поездлари ҳаракати жадвалларини мувофиқлаштиришга оид асосий масалаларни муҳокама қилдилар.




Учрашув доирасида амалдаги йўналишларни оптималлаштириш, йўловчи қатновининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини ошириш бўйича таклифлар кўриб чиқиляпти. Поездлар ҳаракатининг ягона жадвалини шакллантиришда темир йўл маъмуриятлари ҳаракатларининг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди.



Йиғилишнинг Тошкент шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро темир йўл ҳамкорлигини ривожлантириш ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги логистика алоқаларини мустаҳкамлашдаги фаол ролини яна бир бор кўрсатади.

# ТРАНЗИТ ЮК ТАШИШ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ





**Жорий йилнинг 9 февраль куни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида Жамият бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев, “Грузия темир йўллари” акциядорлик жамияти бош директори Давид Перадзе ҳамда “Озарбайжон темир йўллари” ёпиқ акциядорлик жамияти раиси Равшан Рустамов иштирокида уч томонлама учрашув бўлиб ўтди.**



Асосий масала Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ҳамда Грузия темир йўл транспортларида ўзаро юк ташиш ҳажмини ошириш, транзит юкларини ўтказиш имкониятларини янада яхшилаш ҳамда юк ташишда давлатлардаги мавжуд тарифлар нархини оптималлаштириш бўйича музокаралар бўлиб ўтди.





Шунингдек, Каспий денгизи портларидан унумли фойдаланиш ва ушбу жараёнда ечилиши лозим бўлган масалаларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида меҳмонлар “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятидаги музейга ҳам ташриф буюриб, мамлакатимиз темир йўллари тарихидаги яқин йиллардаги истиқболли лойиҳалар ва ривожланиш йўллари билан ҳам яқиндан танишдилар. Шунингдек, Ягона диспетчерлик маркази фаолияти жараёнини ҳам кўздан кечиришди.

Шу куни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ҳикматилла Раҳметов ва Озарбайжон ҳамда Грузия темир йўллари мутасаддилари иштирокида темир йўл фаолиятидан мунтазам фойдаланадиган тадбиркорлар билан ҳам учрашув ўтказилди.

Унда темир йўл орқали транзит юкларини ташиш масалалари ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинди.

10 февраль куни эса йиғилиш Туркманистон Республикаси пойтахти Ашхободдаги “Туркманистон темир йўллари” очиқ акциядорлик жамиятида давом эттирилди. Унда 4 та давлатнинг темир йўл раҳбарлари иштирок этиб, юк ташиш ҳамда транзит салоҳиятини оширишда ўзаро самарали келишувларга эришилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

ЎҚУВ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

# ЛОЙИҲА ҚУРИЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СИФАТЛИ ИШ БАЖАРИШ АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛМОҚДА

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг топшириғига кўра, Тошкент вилояти Пискент туманида темир йўл қурилиши корхоналарининг юз нафарга яқин иш юритувчи (прораб) ва иш усталари (мастер)нинг малакасини ошириш мақсадида ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилди.**

Унда темир йўл қурилиши корхоналари мутахассислари қурилишни ташкиллаштириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини кўздан кечириш ва амалиётга татбиқ этиш, 20 дан ортиқ қурилиш ва махсус техникалардан самарали фойдаланган ҳолда иш самарадорлигини ошириш, жойида лаборатория фаолиятини ўтказиш, шунингдек, буюртмачи, бош лойиҳачи ва бош пудратчи ишчи-ходимлари ўртасида ўзаро тажриба алмашилди.

Давоми 2-бетда





ДАВРА СУҲБАТИ

# САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЯХШИ НАТИЖА БЕРАДИ

**Ўзбекистон миллий метрология институтида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташаббуси билан метрология ва муҳандис ходимлар ўртасида ўлчашлар аниқлигини таъминлаш бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди.**





Тадбирда институт мутахассислари ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Тошкентдаги корхоналари метрология ва муҳандис мутахассислари, шунингдек, республикамизнинг бошқа ҳудудларида жойлашган темир йўл тизимининг бош муҳандис, метролог ҳамда лаборатория мудирлари видеоконференция орқали иштирок этишди.

Давра суҳбатида дастлаб Ўзбекистон миллий метрология институти директори Лазизбек Саидорипов ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Шарофиддин Қодиров сўзга чиқиб, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида сўз юритди. Бу каби учрашувлар темир йўл тизимида ҳам катта самара бериши таъкидланди.

– Бу йиғилишдан асосий мақсад метрология соҳасида юртимизда эришилган ютуқларни бўлишишдан иборат, – деди Стратегик ривожлантириш ва саноат фаолиятини ташкил этиш департаменти бошлиғи К.Рашидов. – Таъкидлаш лозимки, темир йўл тизимида ҳам 20 мингдан ортиқ ўлчов ва синов ускуналари мавжуд бўлиб, ушбу тадбир орқали уларни ўз вақтида қиёсловдан ўтказиш масалалари бўйича технологик жараёнлар, янги ташкил қилинган лабораториялар билан бевосита танишдик.



Тадбирда Ўзбекистон Миллий метрология институти томонидан илмий-конструкторлик лойиҳалари доирасида ишлаб чиқилган электр техника саноати, энергетика, нефть ва газ, металлургия, коммунал хўжалик, электр лабораториялари, кимё, қурилиш, машинасозлик, авиасозлик, темир йўл, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ўлчаш ва синов ишлари учун мўлжалланган 17 турдаги ускуналар бўйича тегишли мутахассислар томонидан техник ва метрологик тавсифлари тақдим этилди.

– Ўзбекистон темир йўллари тизимида жуда кўп ўлчаш турлари ва ўлчаш воситалари қўлланилади, – дейди Ўзбекистон миллий метрология институти директори Лазизбек Саидорипов. – Бугунги тадбиримизда асосан 3 та йўналишда муҳим масалалар кўриб чиқилди. Биринчи масалада нафақат темир йўл тизимидаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар, балки хавфсизлик, техноген ҳолатларни ҳам олдини олиш, трансчегаравий қўшни давлатлар билан бўладиган алоқаларда ҳам муҳим роль ўйнайди. Иккинчи масала – рақамлаштиришдир. Ҳозирда иккита электрон платформадан фойдаланилмоқда. Лекин бу платформалар локал платформалар ҳисобланади. Тез орада бу иккита локал платформани бирлаштириш режалаштирилган. Учинчи масала эса – хавфсизликка боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Бу темир йўл тизимида қўлланиладиган маҳсулотларга путур етказмасдан текшириш масаласидир. Бунда замонавий ультратовушли усуллар қўлланилмоқда.

Мазкур ташаббуснинг асосий мақсади чет элдан қиммат ускуналар харид қилишни камайтириш, республикада замонавий, аниқ ва ишончли ўлчаш воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Учрашув доирасида метрология соҳасида амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишлари, янгиланган ўлчаш воситалари, қиёслаш ва синаш стендлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, темир йўл соҳасидаги иш жараёнларида замонавий метрологик ёндашувларни жорий этиш, ўлчаш аниқлигини ошириш борасидаги истиқболли режалар муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунлангач, иштирокчилар институтдаги лаборатория бўлимларида амалга оширилган янгиликлар билан яқиндан танишишди. Шундан сўнг икки томон ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва амалиётга илмий янгиликларни татбиқ этиш истиқболлари бўйича келишувга эришдилар.

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

# БУЮКЛАР ИЖОДИ – ҲАМИША БАРҲАЁТ

**Термиз темирйўлчилар маданият саройида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси Ёшлар Кенгаши билан ҳамкорликда буюк бобокалонларимиз Мир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг таваллуд кунлари муносабати билан “Буюклар ижоди – ҳамиша барҳаёт” номли адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ғ.Мамадалиев Термиз давлат педогогика институти ўқитувчиси, филология фанлари номзоди профессор Парда Алимовлар сўзга чиқиб, буюк бобокалонларимиз ижодий меросларининг илмий ва бадиий аҳамияти, уларнинг жаҳон адабиёти, маданиятида ва илм-фанида тутган ўрни мавзуларида маърузалар қилишди.

Беш асрдан ошибдики, Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ёзган ва бизга мерос бўлиб қолган бадиий асарлар, бебаҳо маънавий бойликлар мамлакатимизнинг маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятлар сифатида улуғланиб келинмоқда.






Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсоният цивилизацияси ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган шахслар сифатида тарих зарварақларидан муносиб жой олган. Уларнинг маънавий жиҳатдан бебаҳо асарлари ҳозиргача инсоният онги, тафаккурига ўз таъсирини кўрсатиб, шахснинг баркамол бўлиб шаклланишида дастуриламал вазифасини бажармоқда. Алишер Навоий дунёни маънавий таназзулдан қутқара оладиган кўнгил боғининг боғбони бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан Ватаннинг нечоғлик муқаддас эканлигини англашимиз муқаррар.

Тадбирда адабиётга ихлосманд ёш темирйўлчилардан Навоий ва Бобур шеъриятининг бетакрор намуналари тингланди. Ифодали ўқилган ва куйга солиниб ҳиргойи этилган пурмаъно ғазаллар эса барча иштирокчилар қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдириб, буюк аждодларнинг авлодлари эканлигидан фахрланиш туйғусини яна бир карра ҳис этишга сабаб бўлди.

Тадбир якунида фаол иштирокчилар “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси томонидан тайёрланган китоблар тўплами эсдалик совғаси сифатида топширилиб, тақдирландилар.

**К.КАРИМОВ,**
**“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси раиси**



# ЛОЙИҲА ҚУРИЛИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СИФАТЛИ ИШ БАЖАРИШ АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛМОҚДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўқув-амалий машғулотини Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи Анвар Дўсмуҳамедов назорат қилиб, мутахассисларга ҳар бир қилинадиган лойиҳани профессионал даражада, сифатли ва мустаҳкам бажариш зарурлигини алоҳида айтиб ўтди. Бунинг учун мутахассислар юқори билим салоҳиятига эга бўлиши, бу каби машғулотларда эса тажриба ва кўникмаларини янада ошириб боришлари лозимлигини таъкидлади.



Қурилиш ишларини белгиланган муддатда бажариш зарурати бўлса, объектларда янада кўпроқ техникалардан ва ишчи кучидан фойдаланиш кераклиги, лойиҳа юқори даражадаги профессионаллик билан ва сифатли бажарилиши шартлиги раҳбариятимизнинг асосий талаби эганлиги қайд этилди.




Шундан сўнг Капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари Азизбек Абдиев темир йўл қуриладиган ҳудудларда тупроқ ишларини бажариш, ерни текислаш, техникалардан фойдаланиш тартиби ҳамда ер устини пресслаш каби ишларда тажриба кўникмаси юқори бўлиши, меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилган ҳолда ҳаракат қилиш ҳамда касб профессионаллиги муҳим босқич эканлигини тушунтириб берди.



Машғулот давомида етук мутахассислар томонидан темир йўл қурилишининг асоси ҳисобланган тупроқ кўтарма ишини ташкиллаштириш жараёнини кўрсатиб беришди. Тупроқ кўтарма иши тегишли ҳужжатларга асосан кетма-кетликда бажарилиб, унинг сифат даражаси лаборатория ходимлари томонидан синовдан ўтказилди. Бунда тупроқ кўтарма майдони кичик квадрат қисмларга (10x10 м) ажратилиб, ҳар бир майдончага автотранспорт воситасида тупроқ қатламини келтирилди ва бульдозер ёрдамида 35 сантиметр баландликда ёйилиб, 25 тоннали махсус йўл қуриш машинаси (виброкаток) билан керакли зичликка етгунига қадар шиббаланди. Тупроқ кўтарма тайёр бўлганидан сўнг синов лабораторияси амалга оширилди.

Ушбу ўқув ва амалий машғулотида иштирок этган темир йўл мутахассислари керакли ўзаро тажриба орттириб, касбга оид янги ва замонавий усулларни ўзлаштиришди.



ТАДБИР

# УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАРҒИБ ЭТИШГА БАҒИШЛАНДИ

**“ТЕМИРЙЎЛЭКСПРЕСС” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАРҒИБ ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**





Тадбир давомида диний ғояларнинг моҳияти, уларнинг инсон ҳаёти, тарбияси ва маънавий камолотидаги ўрни ҳақида сўз юритилди. Диний ғоялар одамзодни руҳий покланишга, эзгулик ва яхшилик йўлида яшашга ундовчи муҳим қарашлар мажмуи экани таъкидланди. Бугунги глобаллашув шароитида виждон эркинлиги, миллатлар ва динлараро тенглик тамойиллари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, диний бағрикенглик ғояси эса жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, диннинг ижтимоий вазифалари ёритилиб, дин жамиятда ахлоқий меъёрларни шакллантириш, инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида эътироф этилди. Дин нафақат эътиқод ва ибодат соҳасида, балки оила, турмуш ва тарбия жараёнларида ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадбир якунида диний ғоялар ва қадриятларнинг ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашдаги ўрни яна бир бор эътироф этилди.

**“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ҲАМДА 2026 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА ЕТКАЗИЛДИ.**

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

“Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатномаси, шунингдек, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда 2026 йилга мўлжалланган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастури мазмун-моҳиятига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган устувор йўналишлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадлари, инсон манфаатлари, маҳалла институтини ривожлантириш, жамиятда фаоллик ва масъулиятни оширишга қаратилган тизимли вазифалар кенг жамоатчиликка етказилди.

Мазкур учрашув ходимларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш, ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш ҳамда мамлакат тараққиётида ҳар бир фуқаронинг фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.





ЭЪТИРОФ

# ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЮҚОРИ НАТИЖА ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикасидаги 150 дан ортиқ вазирлик ва идоралар ўртасида ўтказилган ёшлар билан ишлаш самарадорлиги бўйича баҳолаш натижаларига кўра, илғор тажриба намоён этган ТОП-30 ташкилот рейтинги эълон қилинди.**




Рейтинг якунларига асосан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти 2025 йил сарҳисоби бўйича энг юқори натижани қайд этиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда етакчи ташкилот сифатида эътироф этилди.

Мазкур юксак натижа муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев номига Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори, сенатор А.Саъдуллаев томонидан 2025 йил 30 декабрь санасида миннатдорчилик хати йўлланди.

Ушбу эътироф тизимда ёшларга қаратилган ишлар стратегик ёндашув асосида, тизимли ва изчил йўлга қўйилганидан далолат беради. Хусусан, ёшлар билан очиқ мулоқот олиб бориш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир ёш ходимнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ушбу ютуқ, аввало, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг ёшлар масаласига бўлган юксак эътибори, бизга яратиб берилган барча шароитлар ва доимий қўллаб-қувватлашлари самарасидир, – дейди Етакчилар Кенгаши раиси А.Умаралиев. – Биз, ёшлар етакчилари, раҳбариятимиз томонидан билдирилган юксак ишончни оқлаб, келажакда янада юқори марраларни забт этиш ва темир йўл соҳасини ёшлар салоҳияти билан янада ривожлантириш учун бор кучимизни сафарбар этамиз.

Шунингдек, “2025 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури” доирасида тизимдаги ёшлар етакчилари фаолияти чуқур мониторинг қилиниб, уларнинг ижтимоий фаолликни ошириш, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирларини самарали ташкил этишдаги ҳиссаси асосида темир йўл тармоғи тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган энг фаол ёшлар етакчиларининг ТОП-20 рейтинги шакллантирилди.

Мазкур дастур доирасида ёшлар билан мунтазам очиқ мулоқотлар ўтказилиши, илғор ғоя ва ташаббусларнинг қўллаб-қувватланиши, фаол етакчиларнинг муносиб рағбатлантирилиши тизимдаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Уларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги ва масъулиятли фаолияти “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, муносиб рағбатлантирилади.

Бугунги ютуқлар – эртанги катта марралар сари дадил қадамдир. Ёшлар билан ишлашдаги ушбу муваффақиятлар келгусида янада юксак натижаларга эришишимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.




ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

**Коррупция – бу фақат бир шахснинг ёки бир тизимнинг муаммоси эмас, балки бутун жамиятнинг барқарор ривожига, давлат бошқарувининг самарадорлигига, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончига жиддий путур етказувчи иллатдир. Шу боис уни бартараф этиш, унга қарши қатъий курашиш ҳар бир мамлакат учун стратегик аҳамият касб этади.**



## КОРРУПЦИЯНИНГ ЖАМИЯТГА ТАЪСИРИ

Коррупция аввало иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштиради. Давлат маблағларининг мақсадли сарфланмаслиги, тендер ва харидлар тизимида шаффофликнинг йўқлиги, манфаатлар тўқнашуви ва порахўрлик инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Бу эса янги иш ўринларининг камайиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Ижтимоий ҳаётда эса адолатнинг бузилиши, тенг имкониятлар принципининг бузилиши, оддий фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончи пасайиши коррупциянинг энг оғир оқибатларидан саналади.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИСЛОҲОТЛАРИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши қатъий сиёсат юритилмоқда. Қатор қонунлар, янги агентлик ва идоралар фаолияти, рақамлаштириш жараёнлари ҳамда очиқликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Хусусан:

- давлат хизматларининг электронлаштирилиши коррупция хавфини кескин камайтирди;

- оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик назорати кучайди;

- жиноий жавобгарлик чоралари қатъийлаштирилди;

- таълим, тиббиёт, қурилиш, солиқ ва божхона каби юқори хавфли соҳаларда ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎРНИ

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси қонунларга риоя қилиши, порахўрлик ҳолатларига муроса қилишдан воз кечиши, шубҳали вазиятлар ҳақида мутасадди органларга хабар бериши, очиқлик ва шаффофликни талаб қилиш орқали мамлакат тараққиётига ҳисса қўша олади.

## ХУЛОСА

Коррупция – бу жамиятнинг пинҳон душмани. Унинг олдини олишда давлат ва халқ бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилса, иқтисодиёт ривожланади, адолат қарор топади ва фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи мустаҳкамланади.

**М.МЎМИНОВ,**
**Бухоро вилояти Транспортда ХТБ ҲПБ катта инспектори, майор**




## TALGO ПОСТРОИТ ЕЩЕ 20 ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ ПОЕЗДОВ ДЛЯ САУДОВСКОЙ АРАВИИ

Компания Talgo заключила контракт стоимостью 1,3 млрд евро на поставку 20 высокоскоростных электропоездов для государственной железнодорожной компании Саудовской Аравии SAR. С учетом этого контракта суммарный портфель заказов Talgo составит почти 6 млрд евро. Контракт предусматривает проведение технического обслуживания как новых, так и поставленных ранее поездов до 2033 г. с возможностью продления этих услуг до 2038 г.

К открытию в 2018 г. ВСМ Haramain, соединяющей Мекку, Джидду и Медину, компания построила для SAR 35 поездов, рассчитанных на эксплуатацию в сложных условиях пустыни. В настоящее время они ежедневно совершают более 100 рейсов, а в период хаджа — более 140. В 2025 г. за время хаджа поезда перевезли почти 2 млн пассажиров.

Новые поезда, способные развивать скорость до 300 км/ч, будут иметь такие же характеристики, что и поставленные ранее. Каждый из них будет состоять из двух моторных и 13 прицепных пассажирских вагонов. Всего в поезде — 417 мест для сидения. В вагонах созданы условия для пассажиров с ограниченной мобильностью и предусмотрен буфет.

Линия Haramain длиной более 450 км построена и эксплуатируется по тем же стандартам, что и сеть ВСМ Испании. Она оборудована европейской системой управления движением поездов ETCS уровня 2. Talgo эксплуатирует в Саудовской Аравии два предприятия по техническому обслуживанию и ремонту поездов, на них занято более 270 чел.

ШЕЪРИЯТ



Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Не баҳра топқомен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким баҳраи андин тилармен баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳр чашм айлаб нихон, бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок- чок этмас, таним ул банд- банд этмас.

Керак ўз чобуки мажнунваши қотил шиоримким,
Бузуғ кўнглимдин ўзга ерга жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзун очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

* * *

Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг,
Заъфлиғ жисмимни тору қоматим чанг айладинг.

Бўлди бўстони узоринг бодадин афрухта,
Майни гўё бўстонафрўз ила ранг айладинг.

Чок этиб эл кўнглин эттинг ғунчадек кўнглум гириҳ
Очтинг эл кўнглин агарчи бизни дилтанг айладинг.

Буки ташбиҳ эттинг, эй кўз, хоки пойин сурмаға,
Билки жавҳарни қаро туфроққа ҳамсанг айладинг.

Ишқ сирри маҳмилин кўк пили чекмас, эй қазо,
Гар ҳилолидин кажак, хуршидидин занг айладинг.

Не қатиқ водий экин, ё Раб, санга эй ишққим,
Ақл саркаш тавсанин қўйғач қадам ланг айладинг.

Қил Навоийни вужуди нангидин, ё Раб, халос,
Чун вужудин барча олам аҳлиға нанг айладинг.

**Алишер НАВОИЙ**



Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам,бало манга.

Нетгайман ул рафиқ билаким,қилур басе,
Меҳру вафо рақибға, жабру жафо санга.

Бегона бўлса ақл мени тилбадин,не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин орта дурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолажада зоеъ этма умр,
Ким,жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш бежиҳат дурур охир санго,манга.

Бобур,бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур**

СИЗ КУТГАН СУҲБАТ

**Таниқли ва маҳоратли актёр Асадилло Набиев 1979 йил 5 майда Қашқадарё вилоятида туғилган. Илк ижодий фаолиятини 1995-1996 йилларда "Мулоқот" театр-студиясида актёр сифатида бошлаган.**







# АСАДИЛЛО НАБИЕВ: "ВАҚТ КЎП НАРСАГА ДАРС БЕРАДИ"

2000 йил Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг драма ва кино актёрлиги факультетини тамомлаган. 2000-2017 йиллар давомида Ўзбек миллий академик драма театрида актёр сифатида фаолият юритган. 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар мазкур театрда директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. 2014 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвони билан тақдирланган. 2021 йилда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони билан мукофотланган. Оилали, уч нафар фарзанднинг меҳрибон отаси, икки набиранинг севимли бобоси, халқимиз ардоқлаган санъаткор – актёр Асадилло Набиев билан самимий суҳбатлашдик.

**– Темир йўл хизматларидан фойдаланиб турасизми? Охирги марта қачон поездга чиққансиз?**

– Албатта, фойдаланаман. Ҳатто кўп фойдаланувчилардан бири бўлсам керак. Театр жамоаси билан жамоавий тарзда гастролларга, байрам тантаналарига жуда кўп сафар қилганмиз. Хоразм, Қорақалпоғистон, Андижондан тортиб Сурхондарёгача деярли барча ҳудудларда бўлганмиз. Айниқса, тезюрар поездлардаги шароитлар жуда яхши. Кейинги йилларда вокзалларда амалга оширилаётган катта қулайлик ва ўзгаришлар кишини хурсанд қилади. Бугун жадал ривожланаётган замонда "Ўзбекистон темир йўллари"дан янада кўпроқ янгилик ва қулайликлар кутиб қоламиз.

**– Роль учун ташқи кўринишингизни ўзгартиришга тўғри келган пайтлар бўлганми?**

– Кинода, одатда, актёрнинг ташқи кўринишига қараб мос роль берилади. Лекин театрда бундай эмас. Агар ташқи кўринишингиз ролга тўлиқ мос келмаса ҳам, уни ички дунё, характер ва актёрлик маҳорати орқали очиб бериш мумкин. Режиссёр сизга ишонса, ҳатто чол ёки туғма нуқсонли инсон образини ҳам ишониб топширади. Керак





бўлса, ясама соч, соқол-мўйлов, махсус реквизитлардан фойдаланиб, ролни бажарамиз. Шундай роллар кўп бўлган. Ҳатто бир роль учун 10 килодан ортиқ вазн ташлашимга тўғри келган пайтлар ҳам бўлган. Аммо ўша роль муваффақиятли чиққан ва ҳозиргача саҳнада ижро этиб келяпман.

**– Нима учун ўзбек актёрлари бой эмас, деган қараш бор?**

– Аслида актёрлар маънан жуда бой. Чунки актёр бойишни эмас, ролини бойитишни мақсад қилади. Аксарият касбларда, айниқса, тадбиркорликда мақсад даромадни ошириш, бизнес қилиш бўлса, актёрлик касбида асосий эътибор роль устида ишлашга, актёрлик маҳоратини оширишга, китоб ўқишга қаратилади. Актёр бу касбни танлар экан, бошиданоқ бой бўлишни мақсад қилмаслигини билади. Агар бой бўлишни истаганида, бошқа соҳани танлаган бўларди. Театрда касбига фидойи, санъатга садоқатли инсонлар ишлайди.

**– Ижодда чегара бўлиши керакми?**

– Албатта, ижодда чегара бўлиши шарт. Ҳар қандай нарсани "ижод" деб саҳнага ёки экранга олиб чиқиш тўғри эмас. Асар мақсадга хизмат қилиши, халққа бир маъно, бир хулоса бера олиши керак. Томошабин уни кўриб ўйланиши, хулоса чиқариши лозим. Чегара – бу меъёр, ҳаддидан ошмаслик, ўз ўрнини билиш демак. Ижодкорда фаросат "датчиги" бўлиши керак – у қайси ерда тўхташ, қаерда давом этишни кўрсатиб туриши зарур.

**– Салбий қаҳрамонни ўйнаб, томошабин нафратини ҳис қилганмисиз?**

– Йўқ, десам ҳам бўлади. Чунки менинг дастлабки ролларим, томошабинга танитган образларим "Туташ тақдирлар", "Нотаниш полвон", "Меҳмонжонлардан айланай" сериалларидаги ижобий қаҳрамонлар бўлган. Салбий қаҳрамонни ўйнаш осон эмас, бундай роллар кўпроқ малакаси етарли, тажрибали актёрларга ишониб топширилади. Шунинг учун салбий роль ўйнаган тақдиримда ҳам томошабинлар томонидан ёмон муносабат ёки нафратни ҳис қилмаганман. Бунинг учун мухлисларимдан миннатдорман.

**– Ҳаёт сизга бераётган энг катта дарс қайси?**

– Мен энг кўп дарсни вақтдан оламан. Ҳаётда турли ҳолатлар бўлади: кимнидир яхши деб ўйлаб, кейин адашганингни англаб қоласан. Вақт шиддат билан ўтиб бораётганини ҳис қилиб яшаш керак. Кеча ёнимизда устозлар бор эди, бугун йўқ. Атрофимиздаги яқинлар, дўстлар камайиб боряпти. Шунинг учун улгуриш керак бўлган ишларга ўз вақтида улгуриш лозим. Вақт – олий ҳакам, у барчасига ўз ҳукмини чиқаради. Вақт инсонга жуда кўп сабоқ беради.

**– Ибратли видеолар орқали ижтимоий тармоқларда фаолсиз. Айтингчи, шу ибратли воқеалардан қайси бири томошабинларга кўпроқ таъсир қиляпти?**

– Биз бу ишларни жамоа билан: Акмал Мирзо, Бахтиёр Юсупов ва Малика Авазовалар билан ҳамкорликда амалга оширяпмиз. Асосий мақсадимиз – яхшилик уруғини сочиш. Агар контентимизга ёзилган ҳар бир изоҳни ўқисангиз, уларнинг аксарияти дуо ва миннатдорлик сўзларидан иборат. Бу изоҳлар бизга янада яхши, мазмунли контент тайёрлашга ундайди. "Контентингиз боламга таъсир қилди", "Турмуш ўртоғим сизларнинг видеоларингизни кўриб яхши томонга ўзгарди", деган фикрларни кўп ўқиймиз. Бу эса биз учун энг катта мукофот. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда "Эркаклик надир" номли шахсий саҳифам бор. У ерда оилапарварлик, ватанпарварликка бағишланган видеолар тайёрлайман. Айниқса, ўсмир ёшдаги йигитларга кўп оталар айта олмайдиган гапларни мен уларга ижтимоий тармоқ орқали етказишга ҳаракат қиламан.





**Аваз ОМОНОВ**
**суҳбатлашди**

**МУАССИСЛАР:**
**"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши**

**Таҳрир кенгаши:**
Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ғ.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

**Бош муҳаррир**
Рустам ҲАЙДАРОВ

**Мусаҳҳиҳ –** Умида ТЎЙЧИБОЕВА
**Саҳифаловчи –** Гулзода БОЛТАЕВА

**Фотомухбир –** Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уй.
**Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)**
**Қабулхона: (71) 236-48-92**
**Мухбирлар: (71) 236-48-71**

**Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.**
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
**ISSN: 2181-6158**

**Буюртма Г-234** Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. **Адади: 1200**